

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВ АНВАР ИСЛОМОВИЧ

**ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТКИР КАЛЬКУЛЁЗ
ХОЛЕЦИСТИТЛИ БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

УЎК: 616.366-003.7-06-089.86

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раджабов Анвар Исломович

Холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститли
беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш3

Раджабов Анвар Исломович

Усовершенствование тактики лечения больных острым калькулезным
холециститом, осложненным холедохолитиазом.....33

Radjabov Anvar Islomovich

Improving the tactics of treatment of patients with acute calculous cholecystitis
complicated by choledocholithiasis63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works69

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВ АНВАР ИСЛОМОВИЧ

**ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТКИР КАЛЬКУЛЁЗ
ХОЛЕЦИСТИТЛИ БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2023.2.PhD/Tib3631 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафоев Бакодир Барноевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжиев Данияр Шамуратович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Алиджанов Фатих Бакиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Академик В.Воҳидов номидаги республика
ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий
тиббиёт маркази**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил "___" _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил "___" _____ куни тарқатилди.
(2025 йил "___" _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Т.Уроқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори
(DSc), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда холедохолитиаз билан асоратланган ўткир холецистит билан оғриган беморлар сонининг тобора ортиб бориши ва касалликни даволашда тактик ёндашувлар ноаниқлиги шароитида ўт йўллари олдидан декомпрессия қилган ҳолда замонавий жарроҳлик усулида босқичли даволаш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўт тош касаллиги билан турли ёшдаги аҳолининг 10 дан 40 фоизгача азият чекади. Шошилиш жарроҳликда «...ўткир калькулёз холецистит билан оғриган турли ёшдаги беморларда ўлим даражаси 1 дан 50% гача ёки ундан ҳам кўпни ташкил этмоқда...»¹. Ўткир яллиғланиш белгилари бартараф этилганлиги фонида, беморларни ҳар томонлама текшириш ва тайёрлашдан сўнг бажарилган режали ва кечиктирилган шошилиш амалиётларидан кейин ўлим даражаси 0,5-1% дан ошмайди. Бугунги кунда ўт тош касаллиги ва асоратларининг минимал инвазив хирургик даволашни такомиллаштириш тиббиёт соҳасидаги жарроҳликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида холедохолитиаз ҳамда холангит билан асоратланган ўткир калькулёз холециститларни радикал жарроҳлик аралашувларидан сўнги асоратлар ривожланиши ва ўлимнинг даражаси 4,5-9% га етади. Обтурацион холецистит ва билиар гипертензия ҳолатида «...ўт пуфагининг ўз вақтида декомпрессия қилишга эътибор бермаслик беморларнинг 70% да унинг деворининг деструкциясига олиб келади...»², бу перивезикал соҳада аниқ инфилтратнинг шаклланиши ва операция вақтидаги ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг янада кучайиши билан бирга ривожланиб, кўпинча конверсияга сабаб бўлади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон талаблари асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш ва тиббиёт тизими самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таркибида, жумладан холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститли беморларни эрта ташхислаш, касалликнинг олдини олиш ва асоратларини бартараф этишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш дастурини амалга ошириш, тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститли беморларни даволашда минимал инвазив даволаш усуллари такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 - йил 28 - январдаги ПФ-

¹ Галимова Х. И., Минахметова Р. С., Ахкямова Ч. Р. Ўт тош касаллиги. Сурункали калькулёз холецистит // Столица науки. – 2020. – №. 4. – Б. 62-68.

² Ермолов А.С. ва бошқалар. Холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститни даволаш тактикаси // Н.И. Пирогов номли Хирургия журнали 2022;(1): Б. 10-14.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони.

60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳар йили бутун дунё бўйлаб жарроҳлар билиар тизим касалликлари бўйича 2,5 миллионга яқин жарроҳлик амалиётларини амалга оширадilar. Россия Федерациясида ҳар йили 300 мингга яқин холецистэктомиа амалга оширилади (З.Б. Қурбаниязов ва бошқалар, 2021; Тао L et al., 2023).

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларнинг ўт йўллариининг жарроҳлик касалликлари билан кўп касалланиши ва узоқ муддатли вақтинчалик ва доимий меҳнатга яроқсизлик вужудга келиши туфайли, ушбу касаллик муҳим тиббий ва ижтимоий-иқтисодий муаммодир (Ф.Г.Назыров ва бошқалар, 2024; Х.И. Галимов, 2020; Reddy S et al., 2021).

Ўт тош касаллиги билан оғриган беморларни даволашнинг консерватив усуллари: экстракорпорал литотрипсия, литолитик терапия нопатогенетик ва самарасиздир, чунки улар юқори даражадаги эга ва касалликнинг қайталанишига олиб келади, шунинг учун жарроҳлик йўли билан даволашга муқобил усул бўла олмайди (М.Ш. Хакимов ва бошқалар., 2020). Ўт тош касаллиги билан оғриган беморларни даволашнинг асосий усуллари жарроҳлик усуллари ҳисобланади. Беморларни комплекс даволашда консерватив усуллар зарур. Қорин бўшлиғи аъзоларининг замонавий жарроҳлигида жарроҳлик муолажаларини амалга ошириш учун турли ёндашувлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган: лапаротомия, мини-лапаротомия, видео лапароскопия, гибрид амалиётлар (М.М. Акбаров ва бошқалар, 2023).

Замонавий минимал инвазив жарроҳликда ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда ўт пуфагини видеолапароскопик усул ёрдамида олиб ташлаш “олтин стандарт” ҳисобланади (М.Ш. Хакимов ва бошқ., 2020; Тао L et al., 2023). Турли муаллифларнинг фикрига кўра, жигар ташқариси ўт йўлларида жарроҳлик аралашувлари учун лапаротомия 37% гача бўлган асоратларни ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда шароитида сўнгги бир неча йил ичида турли касалликларни ташхислаш ва даволашда юқори технологияли усуллардан фойдаланиш

кўпаймоқда. Бу жиҳатдан жарроҳлик муолажалари хусусан, жарроҳлик соҳасида ҳам сезиларли натижаларни кўрсатмоқда, бироқ, холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститли беморларни даволаш тактикаси такомиллаштирилмаган.

Ўт йўлларидаги патологиялар бўйича жуда кўплаб илмий изланишлар олиб борилишига қарамасдан, олинган натижалар турли хил ва бир-бирини инкор қилади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, етакчи мутахассислар нуқтаи назаридан ушбу патологияни чуқур ўрганиш, касалликнинг ривожланишини башоратлаш, уни даволашнинг замонавий комплекс индивидуаллаштирилган жарроҳлик давосини ишлаб чиқиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2024 PhD 189) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калькулёз холециститли беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари натижаларини ўрганиш;

холедохолитиазда нитроглицерин қўлланилишини даволаш самарадорлигини ўрганиш;

минимал инвазив даволаш усуллари қўллаш орқали нитроглицерин ва электроактивланган сувли эритмани - А ёрдамида холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини аниқлаш;

олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашнинг янада такомиллаштирилган ва самарали усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпиталининг умумий жарроҳлик бўлимида даволанган, холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган 160 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қўлланилган даволаш комплексига ўт йўллардаги конкрементларни бартараф қилиш самарасини яхшилаш мақсадида нитроглицерин препарати ёрдамида силлиқ мушаклар тонусини бўшатиш ҳамда холангит жараёнини бартараф этиш вақтини тезлаштириш мақсадида микроорганизмларга ва яллиғланишга қарши, антибактериал таъсири ифодаланган электроактивланган - А нинг сувли эритмаси билан умумий ўт йўллари ретроград лаваж қилиниб беморларнинг анамнестик,

клиник ва лаборатор кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, инструментал ва эндоскопик текширув ҳамда интоксикация кўрсаткичларини баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат бўлган:

илк бор холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда нитроглицеринни қўллаш умумий ўт йўлларининг силлиқ мушаклар тонусини бўшатиш натижасида ўт йўли конкрементларини бартараф этишда эндоскопик ретроград литоэкстракция амалиёти самарадорлигига ижобий таъсири асосланган;

илк бор холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда холангит асоратини бартараф этишни янгича самарали усули ишлаб чиқилган;

илк бор эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажаришда бир вақтда ўт йўлларнинг силлиқ мушакларини тонусини бўшатиш ҳамда ўт йўллари инфекцияланаши ва яллиғланишини бартараф қилиш, холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

илк бор холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётидан сўнг назобилиар зонд орқали электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажаришнинг оптималлиги асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат бўлган:

холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларда электроактивланган сувли эритма - А билан умумий ўт йўлларини ретроград лаважи холангитни бартараф этиш вақтини тезлаштиришда ўрни баҳоланган;

эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги баҳоланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланилгани, ўтказилган текширувларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижалар ва хулосалар далиллар ва тиббиёт тамойилларига асосланиб, уларга статистик қайта ишлов берилгани ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволаш хусусиятларига оид назарий билимларни бойитишга ва

беморларни даволашда эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларда холангитни бартараф этиш вақтини тезлаштириши орқали холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларда икки босқичли амалиётларни ўтказиш имкониятини оширган ва шу ўринда асоратларни камайтириш билан бирга беморларни даволаш вақтини 3-4 кунга қисқартиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/2-сон хулосасисига кўра:

биринчи илмий янгилик: холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда нитроглицеринни қўллаш самарадорлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холестит билан оғриган беморларни даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшадиган ўзига хос назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 152 АФ -сонли) Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 156/г-1-сонли) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия ва литоэкстракцияни бажаришда нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш литоэкстракция бажарилишини осонлаштиришга ёрдам бериши ва асоратларни камайтиришга олиб келган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзидеда литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларни даволашда ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 230 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Бу эса маблағни тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлаган. Стационар даволаниш вақти эса 3 кунга қисқарган. *Хулоса:* Холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холециститли беморларни даволашда анъанавий эндоскопик ретроград холангиопанкреатография, папилосфинктеротомия ва литоэкстракцияни, кейин эса холецистэктомияни қўллаш 25,8% гача тошни муваффақиятли олиб ташлаш имконини бермайди. 9,7% ҳолларда папиллотомия кесмасидан қон кетиши кузатилади, шунинг учун беморларнинг 35,5% да мажбурий бир босқичли холецистэктомия холедохолитотомия билан бирга бажарилади, муваффақиятли эндоскопик ретроград холангиопанкреатографиянинг ўртача давомийлиги $52,2 \pm 2,8$ минутни ташкил этган. Бунда билирубин ва

интоксикация кўрсаткичларини нормаллаштиришнинг ўртача вақти 8-9 кунни ташкил этган. Бундай беморлар учун ўрин кунларининг ўртача давомийлиги $12,6 \pm 1,8$ кун, бу эса даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Ўткир холедохолитиаз билан оғриган беморларни даволашда миниинвазив усулларни қўллаш усули» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2024 йил 11 октябрдаги 04/9400-сон хати юборилган.

иккинчи илмий янгилик: холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда электроактивланган сувли эритмани - А маҳаллий қўллаш самарадорлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш самарадорлиги ўрганилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 152 АФ -сонли) Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 156/г-I-сонли) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* электроактивланган сувли эритма - А билан умумий ўт йўллари ретроград лаважи холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларда холангитни бартараф этиш вақтини тезлаштирган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 230 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Бу эса маблағни тежалиши, мукамаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлаган. Стационар даволаниш вақти эса 3 кунга қисқарган. *Хулоса:* холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холециститли беморларни даволашда кам инвазив усуллардан эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия ва литоэкстракция бажаришда нитроглицерин ва электроактивланган сувли эритмани - А дан фойдаланиш даволаш натижаларига янада самарали таъсир кўрсатган, бунда муваффақиятсиз эндоскопик ретроград холангиопанкреатография сони 25,8% дан 10,8% гача, мажбурий бир босқичли холецистэктомия холедохолитотомия билан бирга 35,5% дан 10,8 % гача камайган. Муваффақиятли эндоскопик ретроград холангиопанкреатографиянинг ўртача давомийлиги $52,2 \pm 2,8$ дақиқадан $35,4 \pm 1,9$ дақиқাগача қисқарган. Икки босқичли амалиётлар сони 64,5% дан 89,1 % гача ошган. Амалиёт вақтидаги қон кетиш асоратлари 9,7% дан 2,1 % гача

камайган. Билирубин ва интоксикация кўрсаткичларини нормаллашишининг ўртача вақти 3 кунни ташкил этган. Бундай беморлар учун ўрин кунларининг ўртача давомийлиги $8,4 \pm 1,2$ кунни ташкил этган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:* «Холедохолитиаз билан оғриган беморларни даволашда миниинвазив усулларни қўллаш усули» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2024 йил 11 октябрдаги 04/9400-сон хати юборилган.

учинчи илмий янгилик: эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма – А билан ретроград лаваж бажариш холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларни даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши ва шу билан бирга беморларни даволаш вақтини 3-4 кунга қисқартириши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 152 АФ -сонли) Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 156/г-I-сонли) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Ўтказилган тадқиқотлар асосида холедохолитиаз билан оғриган беморларни даволашнинг анъанавий усулларининг натижалари ўрганилган. Холедохолитиаз билан оғриган беморларни холедохолитиазнинг асоратлари билан даволашнинг анъанавий усулини ўрганиш натижаларининг қиёсий таҳлиллари ўтказилган. Тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда холедохолитиазли беморларни нитроглицерин ёрдамида даволашнинг оптимал жарроҳлик усули ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини бажариш холедохолитиазли холелитиёзли беморларни даволашнинг янада самарали усулини ишлаб чиқишга олиб келади, интраоператив ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам беради, шунингдек, жарроҳлик амалиётининг давомийлиги ва стационарда қолиш муддатини қисқартирган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзидеда литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларни даволашда ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 230 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Бу эса маблағни тежалиши, мукамаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлаган. Стационар даволаниш вақти эса 3 кунга қисқарган. *Хулоса:* тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холециститли беморларни даволашда кам инвазив жарроҳлик усулларини бажаришда

нитроглицерин ва электроактивланган сувли эритмани - А фойдаланган ҳолда даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Ўткир холедохолитиаз билан оғриган беморларни даволашда миниинвазив усулларни қўллаш усули» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2024 йил 11 октябрдаги 04/9400-сон хат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларни даволашда эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажаришни оптимал усули ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган. Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия ва литоэкстракцияни бажаришда нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва электроактивланган сувли эритма - А билан умумий ўт йўллари ретроград лаважи литоэкстракция бажариш имкони бўлган беморлар сонини оширади ва беморларда холангитни бартараф этиш вақтини тезлаштириши билан холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холециститли беморларда икки босқичли амалиётларни ўтказиш имкониятини беради ва шу ўринда асоратларни камайтириш орқали беморларни стационар даволаниш вақтини 3-4 кунга қисқартирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 152 АФ -сонли) Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (12.10.2024-йилдаги 156/г-І-сонли) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини бажариш холедохолитиазли беморларни нитроглицерин ёрдамида даволаш усулини ишлаб чиқишга олиб келади, бу янада самарали усул бўлиб, интраоператив ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам беради, шунингдек жарроҳлик амалиёти муддатини қисқартиради ва беморларнинг касалхонадаги ўрин кунини қисқартирган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган беморларни даволашда эндоскопик ретроград холангиопанкреатография ва эндоскопик папиллосфинктеротомия амалиётини бажариш вақтида нитроглицеринни тил остига 0,5 мг дозада қўллаш ва шу вақтнинг ўзида литоэкстракция билан бирга электроактивланган сувли эритма - А билан ретроград лаваж бажариш ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 230 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Бу эса маблағни тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш

жараёнини таъминлайди. Стационар даволаниш вақтини эса 3 кунга қисқартирган. *Хулоса:* тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага келиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холециститли беморларни даволашда кам инвазив жарроҳлик усулларини бажаришда нитроглицерин ва электроактивланган сувли эритмани - А фойдаланган ҳолда даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:* «Холедохолитиаз билан оғриган беморларни даволашда миниинвазив усулларни қўллаш усули» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2024 йил 11 октябрдаги 04/9400-сон хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир калкулёз холециститнинг этиопатогенези ва даволаш муаммоларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлил қилинган. Унда холедохолитиаз билан хасталанган беморларни диагностик текширув ва даволашнинг замонавий минимал инвазив усулларининг ҳозирги тенденциялари ва давом этаётган ўзгаришлар ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Материал, тадқиқот усуллари ва даволаш**» номли

иккинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари, муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Диссертация асосини 2018-2023-йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси Марказий госпиталининг умумий жарроҳлик бўлимида даволанган, холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холецистит билан оғриган 160 нафар беморларни текшириш ва даволаш натижалари ташкил этган.

Барча беморлар даволаш усулига қараб 3 гуруҳга бўлинган: I – таққослаш гуруҳини 2018-2020 йилларда анъанавий жарроҳлик даволаш усуллари қўлланилган ҳолда даволанган холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган 62 нафар бемор ташкил этган: уларга ЭРХПГ ва ЭПСТ литоэкстракция билан кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилган. II - назорат гуруҳи ўткир калкулёз холецистит билан оғриган 52 нафар бемордан иборат бўлган. Бу беморни комплекс даволашда ўт йўллари кенгайтиришга олиб келувчи кучли силлиқ мушак релаксанти бўлган нитроглицерин қўлланилган. III - асосий гуруҳни холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган 46 нафар бемор ташкил этган. Уларни даволаш комплексида юқорида қўлланилган усуллардан ташқари холангитни бартараф этиш вақтини тезлаштириш мақсадида умумий ўт йўлини электроактивланган эритма ЭАЭ-А билан ретроград лаваж қилиш қўлланилган.

I гуруҳда 19 ёшдан 75 ёшгача (ўртача ёши $48,4 \pm 2,1$ ёш) бўлган 45 (72%) нафар эркаклар ва 17 (27,4%) аёллар бўлган. II гуруҳда 17 ёшдан 70 ёшгача бўлган (ўртача ёши $49,4 \pm 1,8$ ёш) 36 (69,2%) нафар эркаклар ва 16 (30,7%) нафар аёллар бўлган, яъни гуруҳлар жинси ва ёши бўйича қиёсий бўлган.

Барча беморлар касалхонага шошилинич ётқизилган куни тана ҳарорати ва нафас олиш сони ўлчанган, жигарни объектив текшириш (пальпация, перкуссия), ултратовуш текшируви, кўрсатма бўлганда қорин бўшлиғи органларининг МСКТ ёки КТ текширувлари ўтказилган. Шунингдек қоннинг лаборатор текширувлари, консерватив умумқувватловчи ва симптоматик терапия, ҳамда минимал инвазив жарроҳлик амалиёти (ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция) учун тайёргарлик ўтказилган.

Холедохолитиазга шубҳа бўлса, механик сарикликнинг сабабини аниқлаш ва амалиётдан олдин ўт йўллари анатомиясини ўрганиш учун ЭРХПГ ўтказилган. Агар ўт йўлларининг обтурацияси ёки торайиши аниқланса, қўшимча муолажалар ўтказилган:

- 1) ортиқча сафрони чиқариб ташлаш учун катетер киритиш;
- 2) ўт йўлларида тошларни олиб ташлаш;
- 3) сфинктеротомия: умумий ўт йўлининг ташқи очилиши соҳасидаги кичик кесма қилиш, бу сафронинг нормал чиқиши ва майда тошларнинг чиқиш кетишини таъминлайди.

Эндоскопик папиллосфинктеротомия кўшимча назорат учун қўлланиладиган замонавий рентгенографик ускуналар билан жиҳозланган амалиёт хонасида амалга оширилган.

Муолажа эндоскопик ускуналар ва кесувчи учи бўлган ингичка найчадан иборат бўлган махсус асбоб ёрдамида амалга оширилган.

Асосий процедуралар тугагандан сўнг, кўрсатмаларга мувофиқ тошлар олиб ташланган ва зарурат бўлганда, биопсия ўтказилган.

Электр фаоллаштирилган сувли эритма тайёрлаш учун 1998 йилда “СредазНИИгаз” Тошкент институти ходими С.А.Алехин томонидан ишлаб чиқилган НПФ “Эсперо-1” апаратидан фойдаланилган. “Эсперо-1” типидagi биоэлектроактиваторни тиббиёт ва клиник амалиётда қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлатиш Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика кўмитаси томонидан рухсат этилган бўлиб, Академик В.В.Воҳидов номидаги хирургия илмий-амалий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ходимлари томонидан кенг қўлланилган.

Назорат ва асосий гуруҳлардаги барча беморлар 30 % гача ҳолатларда қониқарли аҳволда ва 70% гача ҳолатларда ўртача оғирликда қабул қилинган. Кўп ҳолларда беморлар тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолсизлик ва безовталиқ, кўп терлаш, иштаҳанинг йўқлиги ва ўнг қовурға ёйи ости соҳасидаги оғриқларга шикоят қилиб мурожаат қилган.

Ретроград холангиографик амалиёт ўтказиш вақтида ўт йўлларида бактериологик текшириш учун материаллар олинган. Антибиотикотерапия аниқланган микрофлора ва унинг сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Микроорганизмларнинг сезгирлигини «дискли диффуз» усули билан аниқланган.

Шунингдек нейтрофил лейкоцитларнинг лимфоцитларга, моноцитларга ва эозинофилларга нисбати, яъни интоксикациянинг лейкоцитар индекси (ИЛИ) ва лимфоцитар индекси (ЛИ) алоҳида баҳоланган.

Эндоген интоксикация даражаси 210 нм тўлқин узунлигидаги спектрометрия ёрдамида ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар (МСМ) ҳажми (даражаси) билан баҳоланган.

Қабул қилинган пайтдан бошлаб барча беморларда қондаги умумий билирубин, АЛТ ва АСТ миқдори аниқланган.


Қон зардобидаги билирубин миқдори Ван ден Берг усули билан аниқланган.

Олинган натижаларни математик қайта ишлаш вариацион статистика усулида олиб борилган. Вариацион статистика усули ёрдамида ўртача арифметик қиймат (M), унинг хатоси ($\pm m$), 95% ишонч оралиғи ДИ, Стьюдента критерийси (t) турли даражадаги аҳамиятлиликда (P) аниқланган. $P < 0,05$ бўлганда натижалар ишончли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Холедохолитиаз билан асоратланган ўткир тошли холецистит билан оғриган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари натижалари**» деб номланган учинчи бобида холедохолитиаз билан асоратланган ўткир калкулёз холецистит билан оғриган 62 нафар беморда

қўлланилган анъанавий даволаш усуллари самарадорлиги баҳоланган.

16 (25,8%) нафар беморда умумий ўт йўлининг мушак тузилмаларининг кучли спазми фонида тошнинг зич тикилиб ва юқори жойлашиши туфайли амалиётнинг биринчи босқичи муваффақиятсиз тугаган – ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция билан тошларни олиб ташлаш имкони бўлмаган. 6 (9,7%) ҳолатда, даволашнинг биринчи босқичида техник қийинчиликлар туфайли манипуляция пайтида папиллотомия кесмасидан интраоперацион қон кетиши кузатилган. Юқоридаги сабабларга кўра 22 (35,5%) беморда конверсияга ўтиш амалга оширилиб ўткир холецистит фонида организмни юқори интоксикацияси билан бир вақтнинг ўзида холецистэктомия билан бирга умумий ўт йўлларидаги тошларни антеград йўл билан олиш ва ўт йўллари дренажлаш бажарилган. ЭРХПГ ва ЭПСТ ёрдамида тошлар биринчи босқичда муваффақиятли олиб ташланган 40 (64,5%) нафар беморларда умумий детоксикацион ва яллиғланишга қарши консерватив даводан сўнг 7-8 кунга бориб кечиктирилган холецистэктомия амалиётлари ўтказилган: лапароскопик усулда 38 (61,3%) нафар беморларда ва лапароскопик амалиётларга қарши кўрсатмаларга эга бўлган 2 (3,2%) нафар беморда очик лапаротомия бажарилган. Шундай қилиб, беморларнинг назорат гуруҳида 24 (38,7%) ҳолатда жарроҳлик амалиётлари очик усулларда, яъни ўрта лапаротомия усули ёрдамида амалга оширилган (1- расм).



1-расм. Даволашнинг биринчи босқичида очик усулда амалиёт қилинган назорат гуруҳидаги беморларнинг конверсия сабаблари бўйича тақсимланиши

Кўплаб беморларда, 90% дан ортиқ ҳолатларда механик сариклик фонида холангит ва гипербилирубинемия белгилари аниқланган. Ультратовуш текширувида холангитнинг белгилари, интоксикациянинг кучайиши фонида

ўт йўллари деворининг қалинлашиши ва қондаги умумий билирубин миқдорининг асосан бевосита билирубин сабабли кўпайиши билан ифодаланган.

1 расмда кўрсатилганидек биринчи босқичда ўтказилган амалиётларнинг сабаблари бўйича бўлинган беморларда клиник ва жарроҳлик тактикаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни даволаш натижаларини алоҳида таҳлил қилишга қарор қилинган.

ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция ёрдамида ўт йўлларида тошни олиб ташлашнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, биринчи босқичда очик усулда амалиёт қилинган назорат гуруҳидаги беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш.

I назорат гуруҳидаги ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция ёрдамида тошни олиш имкони бўлмаган. 30 (48,4 %) нафар бемордан, 7 (23,3%) нафарда тошлар умумий ўт йўлининг юқори учдан бир қисмида жойлашган, 9 (30%) нафар беморда конкремент локализацияси умумий ўт йўлининг ўрта қисмларида аниқланган, 14 (46,6%) нафар беморларда эса обтурацион тош умумий ўт йўлининг пастки қисмларида жойлашган (2 -расм).



2-расм. ЭРХПГ амалиёти муваффақиятсиз ўтказилган I гуруҳ беморларида конкрементнинг умумий ўт йўлидаги локализацияси.

Ушбу тоифадаги барча беморларга ЭРХПГ ва ЭПСТ амалиёти стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. 16 (53,3%) нафар беморда тошнинг зич текилиб ва умумий ўт йўлининг юқори учлигида жойлашиши ва тошлар ўлчами камида 7-8 мм ни ташкил қилгани туфайли ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракцияни бажарилиши техник қийинчиликларга дуч келган ва ушбу амалиётларнинг муваффақитсизлигига сабаб бўлган. ЭРХПГ ва папилосфинктротомияни муваффақиятли бажарилганига қарамай, 30-40

дақиқа давомида ўт йўлининг ичидан тошларни олиб ташлаш имкони бўлмаган. Шу сабабли, ушбу амалиётлар тўхтатилиб, амалиётдан олдинги тегишли тайёргарликдан сўнг шошилиш кечиктирилган лапаротомияга ўтишга қарор қилинган. 14 (46,6%) беморда тошлар умумий ўт йўлининг пастки қисмида жойлашганлигига қарамай, тошнинг катталиги ва ўт йўли деворида зич тикилиб турганлиги туфайли, уларни ЭРХПГ ёрдамида ўт йўлидан олишнинг имкони бўлмаган. Бу беморларга ҳам шошилиш кечиктирилган равишда очиқ жарроҳлик усулида амалиётлар ўтказилган.

I таққослаш гуруҳидаги текширилган беморларнинг организм интоксикацияси кўрсаткичлари натижаларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: даволашнинг биринчи кунларида беморларнинг тана ҳарорати ўртача $38,2 \pm 0,04^\circ\text{C}$ ни ташкил этган. Қонда лейкоцитлар миқдори ўртача $8,1 \pm 0,21 \times 10^9/\text{л}$ бўлган. Ўртача молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,176 \pm 0,008$ бирликни ташкил этган. Шунга муносиб равишда ИЛИ ва ЭЧТ ўсиши қайд этилган.

Кейинги даволаш ва кузатиш даврида, ўнинчи кунга келиб, ЭЧТ дан ташқари барча таҳлил қилинган интоксикация кўрсаткичлари нормал чегараларда бўлган.

Беморларнинг аҳволини баҳолашнинг навбатдаги лаборатория мезони биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш бўлган: қондаги билирубин, АЛТ, АСТ миқдори (1-жадвал).

1-жадвал

ЭРХПГ ва ЭПСТ пайтида тошни олиб ташлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли биринчи босқичда очиқ усул билан амалиёт қилинган I гуруҳ беморларда биокимёвий қон параметрларининг динамикаси (n = 30)

Кўрсаткичлар	1 кун	3 кун	5 кун	8 кун	12 кун
Умумий билирубин	$96,6 \pm 4,2$	$42,4 \pm 2,3^{***}$	$32,6 \pm 1,1^{**}$	$19,4 \pm 2,8^{**}$	$18,8 \pm 1,2^*$
Бевосита билирубин	$78 \pm 5,2$	$24,5 \pm 2,1^*$	$15,7 \pm 1,2^{**}$	$3,1 \pm 0,6^{**}$	$2,7 \pm 0,4^{**}$
Билвосита билирубин	$18,4 \pm 3,3$	$17,9 \pm 1,4^*$	$16,9 \pm 0,14^{**}$	$16,3 \pm 0,12^{**}$	$16,1 \pm 0,5^*$
АЛТ	$46,8 \pm 3,3$	$42,1 \pm 3,3^{**}$	$37,3 \pm 2,9^{**}$	$36,1 \pm 1,1^{**}$	$34,8 \pm 1,2^*$
АСТ	$44,6 \pm 4,1$	$39,8 \pm 2,1^{**}$	$33,4 \pm 3,1^{**}$	$32,4 \pm 1,2^{**}$	$31,6 \pm 1,1^*$

Эслатма: * - олдинги кун маълумотларига нисбатан фарқларнинг ишончлилиги сезиларли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$).

Жарроҳлик амалиётидан сўнг, комплекс даволаш фониди, ушбу кўрсаткичлар бешинчи кун ва ундан кейин нормаллашиш тенденциясига эга бўлди ва 8-9 кунларда улар нормал қийматлар даражасида бўлган.

Ушбу тоифадаги беморларни стационар даволанишининг ўртача давомийлиги $12 \pm 1,2$ кунни ташкил этган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, назорат гуруҳидаги 5 нафар беморда биринчи босқичдаги амалиётларнинг муваффақиятли ўтганига, яъни ЭРХПГ, ЭПСТ ва литотэкстракция ёрдамида ўт йўлларидаги тошлар олиб ташланганига қарамай, лапароскопик амалиётларга мавжуд бўлган қарши кўрсатмалар туфайли, ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция амалиётдан кейин бир кун ўтгач, тегишли тайёргарликдан сўнг очик холецистэктомия амалиёти амалга оширилган.

Ушбу тоифадаги беморлар учун стационар даволанишнинг ўртача давомийлиги ҳам 12-13 кунни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш, иккинчи босқичда лапароскопик усулда амалиёт бажарилган (холецистэктомия).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, назорат гуруҳидаги 40 (64,5%) беморларда биринчи босқичда ЭРХПГ, ЭПСТ ва литоэкстракция муваффақиятли бажарилган, умумий дезинтоксикация ва яллиғланишга қарши консерватив терапиядан сўнг, кечиктирилган амалиётлар 7-8 кунда лапароскопик усулда холецистэктомия бажарилган. Амалиётлар STEMA номли лапароскопик ускунаси ёрдамида амалга оширилган.

